ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 46
(915)
2024 йил
14 ноябрь,
Пайшанба



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:

ҚОНУНЧИЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланган.

Давлат бошқаруви тизимида қонунларни тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида алоҳида ваколатга эга бўлган давлат бошқаруви идоралари томонидан назоратнинг кўплаб турлари амалга оширилади. Буларга прокурор назоратини, маъмурий ва молиявий назоратни, божхона, солиқ назоратини мисол келтириш мумкин. Табиий савол туғилади жамоатчилик назоратининг юқоридаги назорат турларидан нима фарқли жиҳатлари бор?

Жамоатчилик назоратининг бошқа назорат турларидан асосий фарқи бу жамоатчилик назоратининг объекти – давлат органлари фаолиятига қаратилишидир.

Бу жиҳатлар 2018 йил 13 апрелда кучга кирган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда тўлиқ баён этилган. Қонуннинг мақсади – давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қабул қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, қарорлари, шунингдек ривожланиш дастурлари ва тармоқларга оид ҳужжатларда жамоатчилик манфаатларини ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, аввало, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият манфаатларини таъминлаш мақсадидаги қонунчилик талабларининг ижросини кузатишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Давлат органларининг фаолиятида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш жамоатчилик назоратининг объекти сифатида кўрилади. Бу фаолият давлат органларининг жамоат манфаатларига мувофиқ ишлашини, аҳолига хизмат кўрсатишда шаффофлик ва масъулиятни таъминлашга ёрдам беради.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)



Ғурур

МУҚАДДАСДИР, ВАТАН БАЙРОҒИ

Байроқ давлатнинг муқаддас рамзи сифатида миллий ўзликни англатувчи асосий элементлардан биридир. У халқнинг қадриятлари, анъаналарини ифодалаб, ҳар бир фуқарода ҳурмат, ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Байроқ атамаси эски туркий атама бўлиб, у бундан минг йиллар аввал ҳам айнан шу маънода қўлланган. Байроқлар узоқ тарихга эга ва ҳар қандай давлат учун энг муҳим давлатчилик рамзларидан бири ҳисобланади. Қадимдан ҳам байроқ муайян бир элатнинг, қавмнинг эркинлик белгиси сифатида кўрилиб, у баланд жойларга ўрнатилиб қўйилган.

Алоҳида ҳолатларда давлат байроғи муқаддас рамзлардан бири сифатида қаралиши мумкин. Масалан, ҳарбий ҳаракатлар пайтида байроқ халқнинг қудрати ва мустақиллиги тимсолига айланади, уни душманлардан ҳимоя қилиб авайлаб асралади.

Тарихдан ҳам маълумки, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ҳокимият тепасига келганида давлат рамзларига алоҳида эътибор қаратган. Унинг давлатида ҳам байроқ давлат ва миллатнинг ғурури саналган. Саркарданинг амрига кўра, агар жанг пайтида битта аскар омон қолса, у салтанат байроғини баланд тутиши керак бўлган, чунки байроқнинг туширилиши давлатнинг мағлубиятини англатган. Шунинг учун ҳам салтанат байроғи соҳибқирон қўшинидаги энг ишончли баҳодирлар, саркардалар томонидан доимий қўриқланган. “Темур тузуклари”да қайд этилганидек, жангларда ғалаба қозонган, мардлик ва жасорат кўрсатган амир ва зобитларга байроқ ва ноғора совға қилинган. Бу ҳам давлат рамзларининг юксак мавқеидан далолат беради.

(Давоми 6-саҳифада)

Маърифат улашиб...

КЕЛАЖАК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигидаги “Маърифат улашиб” лойиҳаси жойларда таҳсил олаётган ёшларимиз қалбида эзгулик ва бунёдкорлик туйғуларини уйғотишда муҳим омил бўлмоқда. Кўнглимизда ана шу мақсадларни амалга ошириш учун Фарғона вилоятидаги бир қанча олий ўқув юртларида мулоқотлар ўтказишга мушарраф бўлдик.



Марказий Осиё тиббиёт университети ташкил этилганига уч йил бўлибди. Ушбу даргохда сифатли таълим учун яратилган шароитлар хамманинг ҳавасини келтиради. Бу ерда таълим олаётган талабалар билан бевосита учрашиш, улар билан бугунги давр талабларига муносабат билдиришҳамда суҳбатлашиш дилимизни равшан қилди, десак ишонаверинг.

Ўқув юрти ҳовлисига қадам қўйганимизда “Ватаним — фахрим, университетим — ғурурим” деган йирик ёзувга кўзимиз тушди. Ёшларга маърифат инсон ҳаётида қанчалик муҳимлигини тушунтириш, Янги Ўзбекистон шароитида ҳаётга янгича қараш зарурати ҳақида сўз кетди. Эҳтимол, моддий неъмат ҳисобига нималаргадир эришиш мумкиндир, лекин ҳар қандай қудратли куч ўтган вақтни қайтара олмайди.

(Давоми 3-саҳифада)



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҚОНУНЧИЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жамоатчилик назоратининг 8 та принциплари бор. Булар, қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги, жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги, жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги, жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслигидан иборат.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг бир нечта шакллари мавжуд, жумладан давлат органларига мурожаатлар, сўровлар, очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинг ва экспертизаси ўтказиш каби. Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар билан мурожаат қилиши, ахборот олиши, шунингдек, таклифлар ва тавсиялар тайёрлаб, уларни давлат органларига юбориш ҳуқуқига эгадир.

Жамоатчилик муҳокамаси ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишни ўз ичига олади. Унга нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ташаббус кўрсатиши мумкин. Муҳокамалар оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам ўтказилади. Ташкилотчи муҳокама масалалари ва муддатини олдиндан эълон қилиб, материалларни барча иштирокчиларнинг эркин фойдаланишини таъминлайди.

Жамоатчилик эшитуви давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қилиш учун ўтказилади. Эшитувни оммавий ахборот воситалари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил қилишлари мумкин. Ташкилотчи иштирокчиларга ўз фикрларини билдириш ва таклифлар киритишга имконият беради.

Жамоатчилик мониторинги давлат органлари фаолиятини жамоатчилик манфаатларига дахлдор ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш орқали кузатишдир. Мониторинг оммавий ва очиқ бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Ташкилотчи мониторинг объекти ва муддати тўғрисида ахборот эълон қилади.

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг қарорлари лойиҳаларини жамият манфаатларига мувофиқлигини текширишдан иборатдир. Бу экспертиза нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан олиб борилиши мумкин.



Жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги фикрларини тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Шу билан бирга, жамоатчилик назорати субъектлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш, давлат органлари фаолиятига аралашмаслик ва уларга тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш мажбуриятларини бажаришлари керак.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бу, қонун талабларига хилоф фаолиятлар амалга оширилган тақдирда жавобгарликни кўришни назарда тутади.

Ўтказилган таҳлил натижалари Ўзбекистонда жамоатчилик назорати субъектларидан Оммавий ахборот воситалари томонидан самарали ва фаол олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда. Биргина Наманган вилоятидаги мавжуд электрон ва босма ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали жорий йилнинг ўн ойи мобайнида мингга яқин муаммоли масалалар ёритилган.

Жамоатчилик эшитуви давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қилиш учун ўтказилади. Эшитувни оммавий ахборот воситалари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил қилишлари мумкин. Ташкилотчи иштирокчиларга ўз фикрларини билдириш ва таклифлар киритишга имконият беради.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга оширишда бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар жамоатчилик назоратининг самарадорлигини камайтиради ва давлат органларининг шаффофлигини таъминлашда қийинчиликлар туғдиради. Бу муаммолар орасида шаффофликнинг етишмаслиги, қонунчиликдаги камчиликлари ва номаълумлик, фуқаролик жамиятининг тўлиқ шаклланмаганлиги, жамоатчиликда етарли билим йўқлиги ва фуқаролар билан давлат органлари ўртасида ишончнинг пастлиги каби омиллар алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар ва имкониятлар чекланган, бу эса назоратнинг самарали бўлишини қийинлаштиради. Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятига аралашишнинг чегараланиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликнинг муаммоли бўлиши ҳам жамоатчилик назоратининг самарадорлигини пасайтиради. Ахборот олишдаги чекловлар ва давлат органларининг ахборот тарқатишдаги пассивлиги ҳам назарий ва амалий тўсиқлар яратади.

Жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш учун фуқаролик жамиятининг ривожланиши, қонунчиликнинг янада аниқ ва шаффоф бўлиши, ресурсларнинг мукаммал тақсимланиши ва давлат органлари билан ишончли ҳамкорлик зарур. Бунда, жамоатчиликнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жамоатчилик назорати механизмларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоатчилик назоратини олиб боришда хорижий мамлакатлар тажрибалари самарали бўлиб, уларнинг фаолиятига оид қатор назарий ва амалий усуллар жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Мисол учун, Швецияда жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва давлат органларининг шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу мамлакатда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлари давлат органларининг фаолиятига таъсир қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, жамоатчилик муҳокамалари ва ҳисоботлар оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинади, бу давлат органларининг қарорларига таъсир кўрсатишга имкон беради.

Германияда давлат органларининг қарорлари ва фаолияти оммавий муҳокамаларга қўйилади. Шунинг учун муниципал ҳокимият органлари жамоатчи-

КЕЛАЖАК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундай экан, талабалик даврини ҳеч нарса билан баҳоланмайдиган вактнинг қадрига етиш, уни маъно ва мазмун билан бойитиш лозимлиги уқтирилди. Қизиқ ҳол: талаба “аъло” ва “яхши” баҳоларга ўқиши мумкин, лекин ишлаб чиқаришга борганда мустақил ишлашда қийналиб қоляпти. Нега шундай бўлмоқда? Маълум бўлишича, олий ўқув юртида асосан назарий билимлар билан чекланиб қолишмоқда. Бундай вазиятдан чиқиш йўли борми? Бор. Бугунги замон “Дуал таълим”ни жорий этишни талаб қилмоқда. Талаба бўлажак мутахассис. У ўқиш даврида амалий машғулотларда тайёр мутахассис даражасига кўтарилиши керак.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Баҳодир Каримовнинг ёшларга китобга муҳаббат руҳини сингдирувчи суҳбати давра аҳлида жонланиш ҳосил қилди. Устознинг ҳар бир қалбда иштиёқ уйғотувчи нутқи кўплаб талабаларда “Ёш китобхон” танловида қатнашиш истагини уйғотди.

Ўзбекистон Президентининг қуйидаги сўзлари суҳбатимизга алоҳида мазмун бахш этди. “Ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан бирга дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.”

Олий ўқув юртидаги талабаларнинг қанчалик замонга муносиблиги бу ергача мактабда қандай таълим олишига боғлик, албатта. Шу мақсадда Фарғона шаҳридаги 7, 26, 29ва 32-мактабларда бўлдик. Ушбу мактабларда кейинги йилларда анъана бўлган мусобақа – олий таълимга қабул қилинган ёшлар фоизи кўрсаткичи тобора ошиб бормоқда. Яхши билим олиш, Ватан ва халқ кутган инсонлар бўлиб вояга етишиш ҳар бир ёшнинг дилида жўш ураётган орзу экан. Мактаб биносининг атрофида яратилган боғ, гулзорлар кўнгилларга ором бахш этади.

— Бу суҳбатлардан ёшларимиз жуда яхши мотивация олишди, — дейди 26-мактаб директори Абдумўмин Набиев. — Сизларнинг ташрифингиз ўқувчиларимизнинг билим олишга иштиёқини ҳар қачонгидан ошириб юборди. Шундай тадбирлар қанча кўпайса, жуда яхши бўлар эди.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтидаги учрашувларимиз ҳам жуда мароқли ўтди. Бу ерда талабаларнинг сифатли таълим олишлари учун юксак шароитлар яратилган.Шу ўқув йили бошида фойдаланишга топширилган янги бино чин маънода Янги Ўзбекистон рамзига айланибди. Кўркам хоналар, ёруғ коридорлар чиннидек озода.

Биз билан бирга келган шоир Дилмурод Дўст талабалар руҳига мос шеърларни ўқиганда тингловчилар юз-кўзлари табассумдан ёришиб кетди. Мушоирани университет талабалари давом эттиришди.

Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номли ижод мактабида бўлганимизда чинакам ижод оламига кириб келгандек бўлдик. “Мактабимизга хуш келибсиз!” деган лутфни етти тилда изҳор этишди. Турли хоналардаги ҳолатларни бизга ўқитувчилар эмас, шу мактаб ўқувчи қизларидан бири бурро тилда гапириб берди. Мажлислар залида бир гуруҳ қизлар ўзлари ёзган шеърларни ёддан ўқишди.

Одатда, мактабларга борганимизда ўзимизнинг ўқувчилик пайтларимиз, яқин ўтмиш манзаралари ёдимизга келар эди. Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида эса кўз ўнгимизда келажак намоён бўлди.

Мулоқотлар давомида ёшлар руҳида ажиб ўзгаришлар рўй берган бўлиши мумкиндир. Лекин бундай дийдорлашув халқ ичида яқинлик туфайли бизнинг ҳам ҳаётга қарашларимизни ўзгартириб юборди.

Инсон бу дунёда яшашдан мақсад нима, деган савол ўртага ташланди. Ҳаёт мобайнида ўзгаларга яхшилик қилиш, ёши улуғларнинг дуосини олиш, умрдан из қолдириш табиат сарвари бўлмиш инсоннинг матлаби эканлиги айтилди. Суҳбатлар фақат бир томонлама бўлмади. Учрашув қатнашчилари – ёшлар ҳам суҳбатга фаол кўшилдилар.

Адабий қаҳрамонлар ибрати ҳақида сўз кетди. Нодар Думбадзенинг “Абадият қонуни” романидаги Бачана Рамишвели монологи эсга олинди. Унда асар қаҳрамони шифохона бош шифокорига шундай деган эди: “Касалхонангизда ётиб мен абадият қонунини кашф этдим. Инсоннинг юраги ўзидан тўрт баробар оғир экан. Уни доим кўтариб юриш учун мен сизни, сиз яна кимни, у мени—хуллас, ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватлаб туриши керак экан. Абадият қонуни шу!”. Демак, талабалар ҳам бир-бирларига хайрихоҳ бўлиб, атрофдагиларга яхшилик қилиши керак, деган хулосага келинди.

Ҳар бир олий ўқув юртида бўлганимизда дарахт ўтқазиш маросимида қатнашдик. Бу билан юртимизда “яшил макон” яратиш ишига ҳисса қўшдик. Пировардида бу дарахтлар яхши манзара ва ҳосил бериши ҳақида истак билдирдик.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

ликнинг фикрини тинглаш ва уларнинг эътирозлари билан ҳисоблашишга мажбур. Бу жамоатчилик назоратининг «фақат жамоатчилик иштирокида ишлайдиган механизм» сифатида фаолият кўрсатишини таъминлайди. Давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик муҳокамалари ва ишончли мониторингни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Буюк Британияда жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси «Парламент ва жамоатчилик иши» бўлиб, бу механизм фуқаролар ва оммавий ташкилотларнинг давлат органларининг фаолиятига таъсир қилиш имконини беради. Британияда жамоатчилик мониторинги, хусусан, атроф-муҳит ва саноат соҳасида муҳим ўрин тутади. Бу мамлакатда жамоатчилик экспертизаси, яъни жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам жуда оммалашган бўлиб давлат органларининг қарорларига таъсир кўрсатиш учун кўплаб таклифлар ва тавсиялар киритилади.

Хорижий тажрибалар жамоатчилик назоратининг кўплаб шакллари ва усуллари орқали давлат органларининг шаффофлигини ва жавобгарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб, давлат органларининг фаолиятига ижтимоий аҳамиятга эга масалаларда оммавий дахлдорликни таъминлашни назарда тутади. Ўзбекистонда жамоатчилик назорати конституциявий ҳуқуқ сифатида тан олинган бўлиб, давлат органлари фаолиятига жамоатчиликнинг кузатуви қонун билан тартибга солинган. Бу, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлат органларининг масъулиятини оширишга ёрдам беради.

Жамоатчилик назоратининг бошқа назорат турларидан фарқи унинг аниқ бир объектга, яъни давлат органларининг фаолиятига қаратилганлигидир. Бу назарий ва амалий нуқтаи назардан, давлат органларининг ишини шаффоф ва қонуний ўтказишни таъминлайди. Қонунга кўра, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун фуқаролар, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ҳуқуқига эга.

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя, ишончлилик ва холислик каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Бунинг натижасида, давлат органларининг қарорлари ва амалга ошириш жараёнлари оммавий муҳокамалар, мониторинг, экспертиза ва ишончли фаолият орқали баҳоланади.

Шунингдек, жамоатчилик назоратининг самарадорлигига мажбуриятлар ва кўпинча ресурсларнинг чекланганлиги, давлат органлари билан ишончсизлик, ахборот олишдаги муаммолар ва фуқароларнинг билим даражаси ёрдам беришдаги тўсиқлар таъсир кўрсатади.

Хорижий тажрибалар, хусусан, Швеция, Германия ва Британиядаги жамоатчилик назорати механизмлари самарали ишлаганини кўрсатади. Бу давлат органларининг фаолиятига оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг тўғридан-тўғри таъсири билан амалга оширилади. Ҳар бир мамлакатда жамоатчилик назоратининг шакллари ва усуллари фарқли бўлса-да, умумий мақсад — давлат органларининг шаффофлигини ва жавобгарлигини таъминлашдир.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш учун қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва давлат органлари билан ишончли ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Улуғбек МУСАБЕКОВ,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази
етакчи мутахассиси

СОҒЛОМ МУҲИТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ



Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти, Экоҳаракат фаолияти орқали фуқароларимизга етказилмоқда.

Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ишларини қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборат бўлади.

Шу билан бирга Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқҳолда ривожлантириш мақсадида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқади.

Экоҳаракат иштирокчилари ва ҳамкорларининг давлат органлари, жамоат тузилмалари томонидан мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси борасида масъулиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятларини мувофиқлаштиришга;

жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошка нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликларини муайян экологик муаммоларни хал этишдаги самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтиради.

Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан изчил боришида Ўзбекистонда мавжуд бўлган бой табиий ресурслар муҳим омиллардан бири саналади. Мустақил тараққиётнинг илк кунлариданоқ улардан окилона фойдаланиш ва келгуси авлод учун соф атроф муҳитни асраб-авайлаш йўлидан борилмоқда. Бу, мамлакатимиз аҳолисининг маънан бой ва соғлом хаётини таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардан биридир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит холда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишилозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон экологик ҳаракатининг (Экоҳаракат) ташкил этилганлиги бугунги куннинг қатъий талаби ҳисобланади. Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида экологик йуналтирилган ёндошув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини бирлаштиришга йўналтирилгандир.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлоди қулай атроф муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларнинг барча мажмуини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини сўзсиз таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади.

Экоҳаракат «Соғлом муҳит – инсон саломатлиги» ғоясини ўзининг асосий шиори ҳисоблайди ва уни амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз олдига қуйидаги дастурий вазифаларни қўяди.

I. Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш.

II. Атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган конунлар ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар ижросинитаъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш.

III. Атроф муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятиниошириш.

IV. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш,

V. Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

VI. Атроф муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш.

VII. Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш ишлари олиб борилмоқда;

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисоди, мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиш тизими босқичма-босқич ривожланмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳолининг реал даромадлари ва фаровонлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Моҳияти ва мазмуни жихатидан мутлақо ўзига хос бўлган таълим ва маориф, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва маданият тизимлари яратилди.

Фармон билан фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча янги ислоҳотлар назарда тутилмоқда.2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар Фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида тўланадиган қуйидаги солиқ турлари бўйича белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилсин:

Лойиҳага меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида жалб қилинган мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича тўланадиган ижтимоий солиқ;

Ҳар йили вазирлик ва идоралар фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этади. Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилади;

Фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилади. Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкин.

Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгашлари) раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланади;

ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланади ва унинг натижалари эълон қилинади;

жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилади.

«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирлаш;

ҳар икки йилда Фонд томонидан тақдирланадиган «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотини таъсис этиш;

Жамоатчилик эътиборини экологик соғломлаштириш ва атроф муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суратда ҳал этиш заруратига қаратган ҳолда, Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини Она-Ватанимизнинг бебахо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чақиради.

Саидрасул САНГИНОВ,
Ўзбекистон экологик ҳаракатиМарказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

РАҚАМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ МУҲИММИ?



Дунёда шундай муаммолар борки, унга масъуллик макон ҳам - замон ҳам, давлат ҳам – халқ ҳам, ирқ ҳам – миллат ҳам танламайди. Бу жаҳоншумул масалалардан бири Сув муаммосидир. Бугунги кунда у геосиёсий масалалар билан боғланиб кетаётгани бежиз эмас.

7 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия ресурсларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам ана шу муаммога эътибор қаратилди.

Жорий йилда мамлакатимиздаги сув омборларида ўтган йилга нисбатан кўп сув йиғилганидан хотиржамликка берилмаслик лозимлигини қайд этди президент.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва каналларни бетонлаш бўйича олдинги йиғилишларда ҳам мулоҳазалар билдирилгани ёдимизда.

Шунга мувофиқ биргина 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани ҳисобига 200 минг гектарда сув яхшиланган, йилига 450 миллион куб метр сув иқтисод бўлгани қувонарли ҳолат, албатта.

Яқин йилларда 1 миллиард доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялар модернизация қилингани ҳам бу борадаги ижобий ҳодиса.

Лекин бу борада муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Насос станцияларига катта миқдорда «онлайн» назорат қурилмаси, «ақлли сув» қурилмаси олиб келингани ҳам маълум. Лекин улардан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қиладиган ахборот тизими борми? Афсуски, йўқ.

Сув истеъмоли ва уни ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилмаса мақсад тўлақонли амалга ошмайди, тизимли мувофиқлаштириш ҳам амалга ошмайди.

Шунинг учун ҳам Президент йиғилишда сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг бирдан-бир йўли – рақамлаштириш эканини таъкидлади ва Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази ташкил этилишини алоҳида уқтирди.

Назаримизда, бу марказ қуйидаги имкониятларга, афзалликларга йўл очса, ажаб эмас.

Биринчидан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш: Рақамлаштириш орқали сув ресурсларини таҳлил қилиш, мониторинг (monitoring) қилиш ва ўлчаш жараёнлари автоматлаштирилади. Бу сувни истеъмол қилишнинг реал ҳолатини кўрсатиб, сарф-харажатлар ва ресурслардан тежашга имкон беради.

Иккинчидан, сув таъминоти ва рақамли мониторинг: Сув хўжалиги тизимидаги барча параметрлар (сувни етказиб бериш, тозалаш, босимни назорат қилиш ва ҳ.к.) рақамли тизимда кузатилиши, бунинг натижасида янги маълумотларга асосланган тўғри қарорлар қабул қилиш имкони туғилади.

Учинчидан, таъминот ва истеъмол ўртасидаги мувозанатни сақлаш: Рақамлаштириш орқали сув таъминоти ва истеъмол даражасини таҳлил қилиш, сувнинг ишлатилишидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Тўртинчидан, сув таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш: Рақамлаштириш ва мониторинг тизимлари орқали сув таъминоти тизимларидаги узилишлар, сув таъминоти хато ва тизимнинг ҳар қандай бузилишларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш мумкин.

Бешинчидан, экологик барқарорлик: Сув хўжалигини рақамлаштириш экологияга таъсирни таҳлил қилишга ва сув ресурсларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, сув ҳавзалари ва табиий ресурларнинг барқарорлигига ҳисса қўшади.

Олтинчидан, молиявий иқтисодий манфаатлар: Рақамли маълумотлар асосида сув хўжалиги соҳасида ижобий ўзгаришлар ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ресурслардан самарали фойдаланиш имкони туғилади. Бу, ресурс тежамкорлиги ва сарф-харажатларни қисқартиришга олиб келиши мумкин.

Еттинчидан, жамоатчилик ва давлатнинг масъулияти: Сув хўжалигини рақамлаштириш орқали давлат ва аҳолига бўлган масъулиятни ошириш мумкин. Одамлар сув сарфини назорат қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга эътибор қаратади.

Саккизинчидан, барқарор ривожланишга ҳисса: Сув хўжалигини рақамлаштириш барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим восита бўлиб, сувни тежаш, горизонтал ва вертикал интеграцияни таъминлаш имконини беради.

Тўққизинчидан, бу масалага бевосита дахлдор бўлган вазирлик ва олий таълим муассасалари, хусусан, Миллий тадқиқот университетимизнинг илмий - амалий фаолиятига янгича руҳ ва йўналиш ҳозирлаши тайин.

Хуллас, Марказнинг ташкил этилиши мақсадлилик, барқарорлик, мувофиқликнинг муҳри бўлишига шубҳа йўқ.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
«ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот университети профессори

ТИЛ БОР — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Тил масаласи қадимдан миллат маънавияти ва маданиятининг бош омилларидан бири ҳисобланиб келган. Тил-миллатнинг руҳи, тил йўқолса, миллат ҳам тамом бўлади. Шундай бир буюк эҳтиром ва эъзозга сазовор бўлган тилларнинг ўтмиши бир хил эмас, албатта.

Тарихни ёд олсак, ўзбек тили қийинчиликлар билан омон қолганига гувоҳ бўламиз. Бугун уларни тилга олиш истагидан йироқмиз. Тилимизнинг бугунга қадар омон-эсон келишининг асосий боиси халқимизнинг ўз она тилини жонидан севиши, ардоқлашидадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида давлат тилига ҳуқуқий мақом бериш масаласи кўтарилди ва 1989 йил 21 октябрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Қонунга асосан энг муҳим қадриятлардан бири ҳисобланган, узоқ йиллар иккинчи даражали бўлган ўзбек тили қонун даражасида ҳуқуқий ўринга эга бўлди. Бу қонун билан ўзбек миллатининг маънавиятини, руҳиятини, қадрини кўрсатадиган муҳим омил, яъни тилнинг мақоми ҳуқуқий мустаҳкамланди. Мазкур ҳуқуқий асос орқали янги шаклланаётган давлатнинг, ҳукуматнинг элга, юртга нисбатан эътибори, эҳтироми намоён этилди.

Ўзбек тилининг юрти, ватани – Ўзбекистон. Давлат сифатида уни ҳимоя қиладиган, тараққиётини, қонуний асосларини тўлиқ таъминлайдиган ҳам шу юртдир. Эндиги вазифамиз, асрлар давомида халқимиз томонидан кўз қорачуғидек асраб келинган тилимизни бутун борлиғи билан келажак авлодга етказишдир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда: “Ҳозирги кунда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳал қилувчи босқичга кўтарилмоқда. Бу йўлда миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган она тилимиз, ҳеч шубҳасиз, беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзбек тили мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбек тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан сўнг барча давлат ҳужжатлари ўзбек тилида юритилади, газета ва журналлар ўзбек тилида чоп этила бошланди.

1993 йил 2 сентябрда «Лотин тилига асосланган ўзбек алифбосини тузиш тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг, мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланди ва жаҳон коммуникация тизимидан муносиб ўрин эгаллаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабли чет элларда ҳам ўзбек тилига қизиқувчилар, уни ўрганувчилар сони ортиб борди. Дунёда 5600 дан ортиқ тиллар мавжуд бўлиб, бундан 200 тасигина давлат тили сифатида қабул қилинган. Уларнинг орасида ўзбек тилининг борлиги унинг нақадар соф, мукаммал ва жозибадорлигидан, мамлакатимизнинг чин маънода мустақиллигидан дарак беради.

Шундай экан, она тилимизнинг гўзаллигини, софлигини кейинги авлодларга етказиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Фотима РАҲМАТОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
Болалар касалликлари кафедраси
доценти

Самира МИРРАҲИМОВА,
Тошкент тиббиёт академияси 1-даволаш
факултети 3-босқич талабаси.



МУҚАДДАСДИР, ВАТАН БАЙРОҒИ

(Боши 1-саҳифада)

Манбаларга кўра, мўғул босқинчиларига қарши жангларда ўз юрти озодлиги учун мардонавор курашган Нажмиддин Кубро ўз ватанининг байроғини астойдил ҳимоя қилиб, уни қўлида тутиб ҳалок бўлган.

Одатда байроқлар бир нечта рангли чизиқларга бўлинган ёки маълум геометрик шакллар ва белгиларга эга бўлган аксарият ҳолларда тўғри тўртбурчак шакли кўринишида бўлади. Байроқдаги ранглар ва элементлар турли маънога эга бўлиши ҳамда маълум бир давлатнинг тарихи ва маданиятини акс эттириши мумкин.Байроқлар катта аҳамиятга эга, чунки улар шунчаки мато бўлаги эмас, балки у давлатларнинг ўзига хослиги ва қадриятларини акс эттирувчи муқаддас тимсолдир.

Кўпчилик учун байроқлар чуқур ҳиссий маънога эга бўлиб, турли миллат ва эътиқод вакилларини бирлаштириб, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларида яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида Давлат байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2 ва 3-моддаларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи давлат суверенитети тимсоли эканлиги ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг рамзи бўлиб хизмат қилиши белгиланган. Демак, ушбу қонунга кўра, байроғимиз давлат суверенитетининг рамзидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Давлат байроғи тўғрисидаги Қонунни бузиш ҳамда давлатнинг ушбу муқаддас рамзига нисбатан ҳурматсизлик қилиш қонунлар билан таъқиб қилинади.

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маънога эга. Ундаги мовий ранг куч-қудратни, тинчлик ва бар қарорликни ўзида акс эттиради. Оқ ранг беғубборликни ифодалайди. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш рамзи, шунинг баробарида она табиатимиз, асрий қадриятларимиз, иймон-эътиқодимиз тимсоли ҳисобланади. Қизил чизиқлар томиримиздаги аждодлар қони – мангулик нишонасидир.

Ўзбекистон давлат байроғи миллатимиз ва халқимизнинг фахридир. Ўзбекистон байроғи бу ажойиб мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи муҳим давлат рамзидир.Ўзбекистон байроғи байрамлар, тантаналар ва бошқа тадбирларда кўп қўлланилади, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари биноларига ҳам осиб қўйилади.

Байроқлар нафақат миллий ўзликни англатувчи тимсол сифатида, балки спорт тадбирлари, байрамлар ва бошқа муҳим тадбирларда ҳам қўлланилади. Масалан, Олимпия ўйинлари, Жаҳон кубоги ва бошқа йирик спорт мусобақаларида иштирокчи давлатлар, шунингдек, халқаро йирик ташкилотларга аъзо давлатларнинг байроқлари ҳам ҳилпираб туради. Айнан, БМТ биносида унга аъзо бўлган 193 мустақил давлатлар қаторида Ўзбекистон давлати байроғининг ҳам ҳилпираб туриши ҳар биримизга ғурур бағишлайди.

Мухтасар айтганда, байроғимиз республиканинг халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини, миллий-маданий қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирганини англатади. Ҳеч нарсада ҳеч кимдан кам эмаслигимизни тасдиқлайди. Ўзбекистон мустақиллиги рамзи ва Ватанимиз тимсоли бўлмиш Давлат байроғини мамлакатнинг ҳар бир фуқароси асраб-авайлаши ва уни Ватан каби азиз ва муқаддас деб билиши шарт.

Б.ҚОДИРОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК

инсоннинг ҳаёти ва эркинлигига дахл қилади

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ, қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-қаноатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса арзимаган гап-сўзлар, келишмоқчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.



Ташвиш

Бироқ кейинги йилларда эр-хотин ўртасида содир бўлаётган жанжаллар барчамизда хавотир ва ташвиш уйғотади. Оммавий ахборот воситаларида дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар юз бераётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқимоқдамиз. Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зўравонликлар кишини чуқур ўйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётганлиги сабабларидан бири менталитетимизга хос бўлган анъаналарга кўра, уйдаги жанжални кўчага чиқаришни хоҳламаймиз. Ана шу нарса ҳам аёлларга бўлган зўравонликни ҳам кучайтирди. Афсуски, андишага борилгани оқибатида ҳақорат ва зулм авж олди. Натижада аёлларимиз қийин вазиятга тушиб қолиб, ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига айтганларида “Ҳа, энди оилада бўлади-да” дейишлари ҳам аёлларнинг мунтазам хўрланишига олиб келмоқда. Оилавий зўравонликка бир оиланинг муаммоси ёки ташвиши деб қараш мутлақо нотўғри.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда ушбу муаммога қарши курашиб келинмоқда. Жабрдийдаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бизда одатда эридан жабр кўрган аёл тегишли жойга арз қилмайди. Бу ҳолат аксарият зўравонларнинг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшашини ҳисобга олсак масаланинг нақадар оғирлигини англаш қийин эмас. Таҳлиллар ҳуқуқбузарликларни асосан эркаклар содир этаётганини кўрсатаётир. Ушбу иллатга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларини ҳаёт тақозо этмоқда. Улар маҳаллаларда ва иш жойларида оилавий зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Иш шундай ташкил қилинса кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинарди.

Айтиш керакки, оиланинг тинчлиги, аҳиллиги, бахти биринчи галда ота-онага боғлиқ. Шундай экан, эркак ўз оиласида тартиб-интизом, ахлоқ, ўзаро илиқ муомалада ўрнак бўлса жамият ривож топади. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-қаноатли бўлиш керак. Ҳаёт синовлари ҳеч қачон оиладаги вазиятни чигаллаштирмаслиги, аксинча бир-бирини қўллаб-қувватлаш саодатга етаклашини унутмайлик. Оиламиз – муқаддас қўрғонда ҳамиша шоду хуррамлик бўлсин.

Лайло ЯХШИБОЕВА,
Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг судьяси.

ДАЪВО РАД ЭТИЛДИ



Бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида уй- жой, машина олди-сотдиси билан боғлиқ низолар хусусида судларга мурожаатлар бўлмоқда. Хусусан, Аннаев Д. даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар Барматова Г. ва Барматова Г. ўртасида Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, Бирлик номли М.Ф.Й., даги хонадон юзасидан тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Дастлабки суд мажлисида сўралган даъвогар Аннаев Д. даъво аризани тўлиқ қувватлаб, ўз тушунтиришида бу уйни турмуш ўртоғи Барматова Г. алдов йўли билан синглиси Барматова Г.га сотганини билдирди. Нотариал идорада ҳужжатларни, хусусан уй-жойни сотишга розилик аризасини шахсан ўзи имзолаган бўлса-да, унга оқибатлари тушунтирилмаганини, бу уй учун пулни олмаганини билдирди. Даъвогарнинг қайд этишича, турмуш ўртоғи барча пулларни ўзи олиб, ишлаш учун Туркияга кетганини, бу уйга жавобгар ҳисса қўшмаганини, унга пул юбормагани ва олди-сотди шартномасини тузиш орқали уни алдаш ва уйсиз қолдириш ниятида бўлган. Ҳозирги кунда қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини ва уларни моддий таъминлашга қийналаётганини баён қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни, ишни иштирокисиз кўришни сўрагани боис, суд ишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддасига асосан даъвогар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Барматова Г. даъво аризани тан олмасдан, ўз тушунтиришида даъвогарнинг оғир касалликка чалингани сабабли моддий қийналгани ва пулга муҳтожлиги учун бу уйни даъвогарнинг розилиги билан сотишга қарор қилганини тушунтирди. Жавобгарнинг қайд этилишига кўра, хонадонни ўзаро келишувга асосан синглисига сотиб, уй учун барча пулларни даъвогар шахсан ўзи санаб олганини, бу пулларни даъвогар инсультга чалингани ва даволаниши учун сарфланган. Ҳозирги кунда ўзаро муносабатлари ёмонлашгани сабабли судга турли мазмунда даъво аризалар киритаётганини билдирди. Уйни сотиш учун даъвогарга пул юборганини, хонадонни сотишга у билан келишиб, нотариал тартибда олди-сотди шартномаси тузилганини, даъвогар ўз ихтиёри билан розилик бергани ва нотариус томонидан оқибатлари тушунтирилганини баён қилиб, даъво талабини рад қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган иккинчи жавобгар Барматова Г. ҳам даъво аризани тан олмади. У ўз тушунтиришида жавобгарнинг синглиси эканини, опаси ва поччаси уйни сотишга қарор қилганлигини билдирди. Жавобгарнинг қайд этишича, уйнинг баҳоси бўйича ўзаро келишиб, барча пулларни даъвогар Аннаев Д.га шахсан берган. У эса бу пулларни санаб олган. Ҳозирги кунда бу уйда вояга етмаган фарзандлари билан яшаётганини, барча тўловларни ўзи тўлаши ва бошқа уйи йўқлигини билдириб, суддан даъво талабини рад қилишни сўради.

Дастлабки суд мажлисида учинчи шахс сифатида жалб қилинган Оҳангарон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мансурова У. ўз тушунтиришида даъво аризаси бўйича ёзма фикрини тақдим қилди. У кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлашнинг регламентига қатъий риоя қилганини, ушбу уй-жойнинг коммунал қарздорлиги ва уйда доимий рўйхатда турувчи шахслар, уй таъқиққа қўйилгани ёки хатлангани ҳолатларини текшириб, тарафлар иштирокида олди-сотди шартномасини тузган. Бу мулк қонуний никоҳда олингани сабабли даъвогарнинг шахсан розилиги ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда сўралганини, сотилган уй учун пулни олиш масаласи нотариал идорада эмас, тарафлар ўртасида ҳал қилинганини, даъвогар пулни тўлиқ олмагани ҳақида розилик бераётган вақтда эътироз билдирмаганини, шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари ҳар икки тарафга ва даъвогарга тушунтирилиб, шубҳа ёки гумон пайдо бўлганида нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад қилинишини баён қилди.

Суд тарафларнинг баёнотини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларни муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 110-моддасига асосан битимни нотариал тасдиқлаш ушбу Кодекснинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш шарт.

Шунингдек, Кодекснинг 115- ва 116-моддаларида битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши ва қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки аҳлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилиши кўрсатилган.

Мазкур Кодекснинг 123-моддасига асосан алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Аниқланишича, даъвогар Аннаев Д. ва жавобгар Барматова Г. 2009 йил 10 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Тарафларнинг биргаликдаги турмушида уй-жой сотиб олинган бўлиб, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, Бирлик номли М.Ф.Й., даги хонадон дастлаб Оҳангарон шаҳар давлат нотариал идорасида 2011 йил 10 мартда Р-2-968-реестр рақам билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан жавобгар Барманова Г. тегишли бўлган.

2023 йил 2 ноябрда Оҳангарон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси У.Мансурова томонидан мазкур турар жой юзасидан жавобгарлар Барматова Г. ва Барматова Г. ўртасида реестр рақами билан қайд қилинган олди-сотди шартномаси тузилиб, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тарафлар ўртасида уйнинг олди-сотдиси юзасидан низо келиб чиққанлиги сабабли, даъвогар судга мурожаат қилган.

Суд сўровномасига асосан Оҳангарон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси У.Мансурова томонидан Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, Бирлик номли М.Ф.Й., даги хонадонинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тўпланган ҳужжатлар тақдим этилган бўлиб, унда даъвогар Аннаев Д. томонидан шахсан имзоланган, ўзи томонидан розилик ёзилган, реестр рақами билан қайд қилинган эр-хотиннинг умумий мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун эрнинг нотариал тартибда тасдиқланган розилик аризаси аниқланди.

Суд даъвогар Д.Аннаевнинг даъво талабини муҳокама қилиб, даъвогарнинг олди-сотди шартномаси алдаш, зўрлик, қўрқитиш ёки ёмон ниятда тузилганлигини, ушбу шартномани тузиш вақтида унинг мазмунини тушунмаганлигини, уй учун пулларни олмаганлигини ва нотариус томонидан ушбу шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирмаганлиги ҳақидаги важлари билан келишмади.

Шундай қилиб, қонун талабига кўра, даъвогар Аннаев Д.нинг жавобгарлар Барматова Г. ва Барматова Г. нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси рад этилди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Оҳангарон туманлараро судининг судьяси.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1115.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
"ЖАМИЯТ"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



НАВҚИРОН ТОШКЕНТ

Шарқнинг дарвозаси сифатида таърифланадиган Тошкентимиз ҳақида бадиий асарлар ёзиш ҳар бир ижодкордан жуда катта масъулият талаб қилади. Бундай хайрли ишга киришган ижодкор, аввало, Тошкент тарихини чуқур ўрганиши керак.Тошкент тарихига бағишланган қўлёзмалар оз эмас. Бундан 2700 йил илгари яратилган “Авесто” китобида Сирдарё ҳавзасининг Тангритоғ (Тян-Шан) этагидаги мамлакат Турон, аҳолиси турлар, улар яшайдиган шаҳар Қанғҳа (Канка) дейилиши тилга олинган. Бу қадимий шаҳар қолдиқлари Тошкентдан 70 км жануброкда, Сирдарё бўйларида сақланиб қолган.

Бундан кейинги маълумотлар милоддан аввалги ва милоддан кейинги V асргача бўлган Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент турлича номлар билан аталган бўлишига қарамай, барчаси хитойча Чоч (маъноси тош) сўзи билан ясалган атамалардир. VIII асрда Тошкентни араблар эгаллаган. Маълумки, араб тилида “ч” ҳарфи йўқ. Шу боис Чоч – Шош деб атала бошланган. Шу даврдан кейинроқ ёзилган Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида “Камони Шоший”нинг машҳур бўлгани тўғрисида мисралар бор.

Шарқ олимлари – Абу Таъфар ат-Табарий (829-923)нинг “Тарихи Табарий”, Абу Исҳоқ ал-Истаҳрий (850-934)нинг “Китоб ал-Масолик вал-Мамолик”(“Йўллар ва мамлакатлар тўғрисидаги китоб”), X асрда яшаган номаълум муаллифнинг “Ҳудуд ул-Олам”(“Оламнинг чегаралари”) асарларида ҳам Тошкент тарихига оид маълумотларни учратиш мумкин.

Тошкент номи даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида қаламга олинган. Беруний “Ҳиндистон” асарида бу ном мазмунига тўхталиб, “Тошканд – тошли қишлоқ демакдир”, дея ёзганлар.XV асрнинг охири XVI аср бошларидаонаси Қутлуғ Нигорхоним туғилган Тошкентда бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида шаҳарнинг шу ном билан атала бошланганига алоҳида тўхталган. XVII асрда яшаган балхлик тарихчи, географ ва сайёҳ Маҳмуд ибн Вали китоблари, тошкентлик тарихчи ва географ олим Муҳаммад Солиҳ Раҳим Қорахўжа ўғлининг 1883-1888 йилларда ёзган “Тарихи жадидаи Тошканд”(“Тошкентнинг янги тарихи”) асарида ҳам қимматли манбалар берилган.

Шаҳримиз тарихини ўрганаётганда рус олимлари А. Добромисловнинг 1912 йилда чоп этилган “Тошкент қадимда ва ҳозирги кунда” ва А. Маллицкийнинг 1915 йилда нашр қилинган “Тошкент маҳалла ва мавзелари” китобларини ҳам ўқиб чиқиш лозим. Маллицкий китобида шаҳарнинг XX аср бошидаги барча маҳалла ва мавзелари батафсил ёзилган. Шаҳарнинг бундан кейинги тарихи газета ва журналларда батафсил ёритиб борилган.

Ҳозирги кунда “тош” дейилса, барчамизнинг кўз олдимизга оддий қурилиш материали келади. Лекин қадимда шарқий халқлар қимматбаҳо маъданларни тош, деб номлаганини унутмаслигимиз керак. Дарҳақиқат, милоддан аввал Тошкент яқинида кумуш, мис каби маъдан конлари топилганини археологик ашёлар ва бу маъданлардан шаҳардаги заргарлар хилма-хил буюмлар тайёрлашганини тарихий қўлёзмалар тасдиқлайди. Демак, шаҳар аҳолиси маъданлар ва маъданли буюмлар савдоси билан шуғулланган. Шу боис“Тошкент” атамаси таркибига кирувчи “тош” сўзи теран мазмунга эга бўлиб, қадимда “маъдан” маъносида қўлланилган. Чиндан ҳам Тошкентда қурилиш материали бўлган тоғ-тоғ тош йўқ, шунинг учун қадимий Шош қалъаси ҳам тупроқдан қурилган. Сақланиб қолган қадимий обидалар пойдеворига тош қўйилмагани учун деворлари бир-икки метр кенгликда бунёд этилган.

Тўғри, “тош” сўзининг “чидамли” маъноси ҳам бор ва тошкентликларнинг иродаси азалдан тошдай мустаҳкам эканлиги тарихий-бадиий асарларда битилган. Жумладан, бу Тошкентда туғилиб ўсган ва олтинчи тилда, яъни ўзбек тилида романчилик мактабини яратган Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида ифодасини топган. Буюк шоиримиз Алишер Навоийга бағишланган шоҳ асарни – “Навоий” романини тошкентлик адиб Ойбек домла ёзган. Нафақат Ўзбекистонимизнинг, балки дунёнинг энг машҳур шоираларидан бири Зулфияхоним Тошкентда туғилган ва вояга етган.

Мамнуният билан таъкидлашимиз керак, юқорида тилга олинган маълумотлар бадиий тарзда Мақсуд Шайхзоданинг 1957 йилда ёзиб тугатган “Тошкентнома” достонида мухтасар ифодасини топган. Бу достон ҳам тарихийлиги, ҳам бадиий пухталиги билан адабиётимизнинг олтин хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. 1966 йилда Тошкентда кучли зилзила рўй берди, тошкентликлар бошига катта кулфат тушди. Шу даврдаги тошкентликлар жасоратига бағишлаб Шайхзоданинг истеъдодли шогирди Хайриддин Салоҳ ўша йили “Тошкент билан суҳбат” достонини ёзди. Устози тажрибаси ва ўгитларига таянган шоир Тошкент тарихи ва ўша давр воқеаларини акс эттирган ҳолда ажойиб достон яратган.

Йигирманчи асрнинг охирларида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон мустақил давлатга, Тошкент эса унинг пойтахтига айланди. Бу Тошкент тарихида янги саҳифанинг очилишига ва пойтахтда бунёдкорлик ишларининг бошланиб кетишига замин яратди. Ушбу бунёдкорлик ишлари 2006 йилда ёзиб тугаллаган “Тошкентнома” достонимдан жой олди.

Кўпчилик бу достонларнинг ўхшаш жиҳатини билишгани учун асосий фарқини сўрашади. Шайхзода ва Хайриддин Салоҳ достонларининг қаҳрамонлари — Тошкент, тошкентликлар ва шоир. Менинг достонимда эса бу вазифа Тошкент, тошкентликлар, адабий қаҳрамонларим Умида ва Орзу зиммасига юкланган. Чунки достон ёзиш чоғида, устоз Расул Ҳамзатовнинг “Ҳар бир асарда Ватан меҳри, давр руҳи ва севги сеҳри бўлиши шарт”, деган ўгитларига амал қилдим. Бу шарафли вазифани қандай уддалаганимни шеърхонлар баҳолайди, вақт кўрсатади, деб ўйлайман.

Бироқ, мен жонажон Тошкентим олдидаги қарзимни бажардим дея олмайман. Уни куйлаш учун созлаган созимни қўлдан қўймоқчи эмасман. Зеро, ўтган даврда Тошкентимиз ўзининг 2200 йиллик тўйини нишонлади. Шаҳримда қанчадан-қанча бунёдкорликлар амалга ошириляпти, асрлар оша қоладиган гўзал иншоотлар қад ростлаяпти, унутилмас тарихий воқеаларга гувоҳ бўлаяпмиз. Улар менинг юрагимдан ҳам жой олаяпти. Ишончим комил, бу туйғулар қачондир “Тошкентнома”нинг янги боблари бўлиб юрагимдан қоғозга тўкилади.

Давр тақозосига кўра марказга жойлаштирилган заводлар шаҳар ташқарисига кўчирилди. Бу шаҳар экологияси, одамлар саломатлиги яхшиланишига олиб келди. Тубдан таъмирланган маданий обидаларимизга уйғун ҳолда барпо этилаётган янги турар жойлар, маъмурий бинолар кўзни яйратади.Дарҳақиқат, пойтахтимиз кейинги йилларда замон талаблари асосида қайтадан қуриляпти. Кўчалар режа асосида кенгайтириляпти, таъмирланяпти, ён-атрофига манзарали дарахтлар, гул ва майса экиляпти.Сув ҳавзалари бўйи обод қилиняпти. Хиёбонлар, боғлар ва яшил маконлар барпо этиляпти.

Бир неча йил илгари ўтказилган “Дунёнинг энг гўзал шаҳарлари” халқаро сўровномасида Тошкент нуфузли ўринни эгаллаганди. Агар шундай сўров ҳозир ўтказилса кун сайин чирой очиб бораётган Тошкентимиз дунё гўзал шаҳарлари рўйхатининг янада юқорироқ ўрнига кўтариларди. Энг замонавий андозалар асосида бунёд этилаётган “Янги Тошкент” шаҳарчаси, шубҳасиз, пойтахтимизнинг энг гўзал маскани бўлади. (Қадимий манбалардан келиб чиққан ҳолда “Янги Тошкент” шаҳарчасини “Маъданкент” деб номланса Тошкентимиздай олтин узукка олмос кўздай ярашарди). Бундай залворли янгиланишларяқин келажакда Тошкентимизнинг дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилишига асос беради.

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист